

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВА МУХАЙЁ МИРХОТАМОВНА

ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛИШЛАРИНИ ОЛИШ
ХИСОБИГА УНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ХОМАШЁ
САРФИНИ КАМАЙТИРИШ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мусаева Мухайё Мирхотамовна

Трикотаж тўқималарининг янги тузилишларини олиш ҳисобига унинг сифатини яхшилаш ва хомашё сарфини камайтириш.....3

Мусаева Мухайё Мирхотамовна

Улучшение качества трикотажа и уменьшение расхода сырья за счет получения новых структур трикотажных переплетений.....23

Musaeva Mukhayyo Mirxotamovna

Improving the quality of knitwear and reducing the consumption of raw materials by obtaining new structures of knitted fabrics.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВА МУХАЙЁ МИРХОТАМОВНА

ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛИШЛАРИНИ ОЛИШ
ХИСОБИГА УНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ХОМАШЁ
САРФИНИ КАМАЙТИРИШ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафи доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/T106 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва "Ziyouet" ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мукимов Мирабзал Мирайобович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори
Петросова Лариса Ивановна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Наманган муҳандислик-технология
институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил "12" декабр соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titli_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қavat, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (88-рақам билан рўйхатга олинган) Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил "30" 11 кун тарқатилди.
(2020 йил "28" 17 даги 88-рақамли респ.тр баённомаси).



Б.О. Онорбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.Э. Гуламов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Ш.Ш. Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошдаги илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати етакчи соҳалар қаторига киради ва энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг 5,7% улуши айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги 15 йил давомида тўқимачилик маҳсулотлари истеъмоли Европа Иттифоқи давлатларида 90,5% га, АҚШ да 99,3% га, Японияда 220% га ўсди¹. Ишлаб чиқариш марказлари бўлган Ғарбий Европа давлатлари ва АҚШ дан нисбатан иш кучининг нархи арзонроқ баҳоланадиган давлатларга, яъни Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё, Жанубий Америкага кўчди.¹

Жаҳон тўқимачилик саноати бозори 2025 йилга келиб, тахминан 1,207 млрд. АҚШ долларигача ўсиши, бунда 2019 ва 2025 йиллар орасида ўртача йиллик ўсиш сурати эса тахминан 5% ни ташкил қилиши кутилмоқда. Тўқимачилик саноати учун замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган инновацион технологияларни яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хозирги кунда трикотаж маҳсулотларининг рақобатбардошлилиги маҳсулот ассортиментни тез ўзгартирилиши ва таннархнинг паст бўлиши, шунингдек, белгиланган таркибий ва махсус хусусиятларга эга бўлган трикотаж тўқималарини ишлаб чиқарилиши билан таъминланади. Трикотаж тўқималарининг тузилиши, таркиби, ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот сифатига таъсир этиш қонуниятларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикада мустақиллик йилларида жаҳон бозорида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари орасида муносиб ўринни эгаллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”² вазифалари белгилаб берилган. Бу соҳада юқори технологик ечимлар билан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича сезиларли натижаларга эришилди, шу жумладан, трикотаж маҳсулотлари ассортименти айлана ва ясси игнадонли трикотаж машиналарида ишлаб чиқарилган, истеъмол хоссалари яхшиланган янги трикотаж тўқима турлари билан бойитилди.

Бу борада ривожланишларга қарамасдан, тўқимачилик саноатининг мамлакат иқтисодий ўсишига қўшаётган ҳиссаси мавжуд ўсиш суръатларига нисбатан сезиларли даражада пастдир. Юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун, хомашёдан самарали фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи, шунингдек, экспортга мўлжалланган рақобатбардош трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун юқори сифат кўрсаткичларига эга трикотаж

¹<https://www.zionmarketresearch.com/sample/textile-market>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

махсулотларини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони ва “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 16 сентябрдаги 4453-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Трикотаж маҳсулотларининг олиш технологиясини такомиллаштириш, трикотаж тўқималарининг тадқиқ этиш, ҳамда хом ашё сарфини камайтириш билан боғлиқ бўлган масалалари бўйича бир қатор чет эл олимлари проф. А.С. Далидович, Е.П. Поспелов, И.И. Шалов, Л.А.Кудрявин, Н.А. Гречухина, Л.В. Шкунова, В.М. Лазаренко, В.А. Зиновьева, Л.П. Ровинска И.Г. Цитович, В.А. Заваруев, А.В. Труевцев, V. Kumar, V.R. Sampath, N.Emirhanova, Y.Kavusturan, E.Onofrei, S.A. Frydrych ва бошқалар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Малакатимизда трикотаж тўқималарини олиш, трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, технологик ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор олимлар, жумладан, М.М.Мукимов, проф. Х.А. Алимова, Н.Р. Ханхаджаева, Ф.У. Нигматова, С.Ш. Ташпулатов, К.М. Холиков, Б.Ф. Мирусманов, А.Э. Исабаев, Ш.Х. Мухамеджанов, К.З. Юнусов, Ш.К. Усмонкулов каби олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда хомашё сарфини камайтириш усуллар етарли даражада ўрганилган. Трикотаж тўқималарининг янги тузилишларини олиш ҳисобига унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хом ашё сарфини камайтиришга масалалар ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2015-2-19 рақамли «Юқори киришимли лайкра ипидан фойдаланиш ҳисобига хомашё сарфи кам, ҳамда шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотажни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» ва БА-3-18 рақамли «Икки қатламли трикотаж тўқималарининг янги тузилишларини олиш ҳисобига гигиеник кўрсаткичлари яхшилانган ва хом ашё сарфи кам бўлган ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқиш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги тузилишдаги икки қатламли трикотажд тўқималарини олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳисобига маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва хомашё сарфини камайтириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

трикотажд тўқималарининг янги тузилишларини олиш ҳисобига унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хомашёдан самарали фойдаланишга оид тадқиқот ишларини таҳлил қилиш;

икки қатламли трикотажд тўқима қатламларини бириктириш усулини трикотажднинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этиш;

икки қатламли трикотажд тўқималарини олишнинг янги самарали усулини ишлаб чиқиш ҳисобига унинг сифатини яхшилаш;

трикотажд машинасини игнадониға бир меъёрда ип беришни таъминлаш мақсадида оралиқ тўплагичли ип берувчи мосламани такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида трикотажд қатламларини ўзаро бириктириш усули, икки қатламли трикотажд тўқималари, полиакрилнитрил (ПАН) ипи, оралиқ тўплагичли ип берувчи мослама, ҳамда ясси ва айлана трикотажд тўқув машиналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори истеъмолчилик хусусиятиға эға бўлган янги тузилишдаги икки қатламли трикотажд тўқималарини олиш услуги.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида трикотажд технологияси назарияси асослари, тўқимачилик материалшунослиғи, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усуллари, ҳамда компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиғи қуйидагилардан иборат:

юқори сифат кўрсаткичларига эға бўлган икки қатламли трикотажд тўқималарининг янги ассортимент турлари ва самарали олиш усуллари яратилган;

икки қатламли трикотажда қатламларни бириктириш усулини технологик кўрсаткичлар ва физик-механик хусусиятларға таъсир этиш қонуниятлари аниқланган;

трикотажд машинасини игнадониға бир меъёрда ип беришни таъминлаш мақсадида оралиқ тўплагичли ип берувчи мослама такомиллаштирилган;

мавжуд ва тавсия этилган мосламаларда ип бериш жараёнини барча босқичларида ип таранглиғи ўзгаришининг математик модели ишлаб чиқилган, унинг қонуниятларининг ечимлари олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қатламлари турли усулда бириктирилган янги тузилишдаги икки қатламли трикотажд тўқималарини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган;

трикотажд қатламларини бириктириш усулини трикотажднинг сифат кўрсаткичларига таъсир этиш қонуниятлари аниқланган;

трикотажд машинасининг оралиқ тўплагичли ип берувчи мосламаси такомиллаштирилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация ишида шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва тажрибавий тадқиқотларга, апробация ва қўллаш натижаларининг ижобийлигига, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш критерийларига кўра, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва уларнинг кўриб чиқиладиган фан соҳасидаги маълумотлари билан қиёсий таҳлилига кўра асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хомашё сарфи кам, сифат кўрсаткичлари яхшилانган икки қатламли трикотаж қатламларини бириктириш усулини трикотажнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига таъсир этиш қонуниятларини аниқлаш, шу билан бирга ип йиғувчи мослама самарадорлигини ишлаб чиқиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифат кўрсаткичлари яхшиланган икки қатламли трикотаж тўқималарининг янги тузилишларини таклиф этиш, устки трикотаж маҳсулотлари учун хом ашё сарфини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш, трикотаж машиналарида оралик тўплагичли ип берувчи мосламасини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Икки қатламли трикотаж тўқималарини олишнинг янги самарали усулини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг арқоқли трикотажни олиш усули учун патенти олинган (Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган арқоқли трикотажни олиш усули № IAP06000-2019й.). Натижада трикотаж тўқимаси сифатини яхшиланиши ва трикотаж машиналарининг иш унумдорлигини ошириш имконияти яратилган;

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг футер-арқоқли трикотажни олиш усули учун патенти олинган (Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган футер-арқоқли трикотажни олиш усули № IAP 06002-2019й.). Натижада трикотажнинг шаклбарқарорлиги ва иссиқликни сақлаш хоссалари ошган;

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ясси игнадонли трикотаж машинасида донали трикотажни олиш усули учун патенти олинган (Ясси игнадонли трикотаж машинасида тукли тўқима асосида донали трикотажни олиш усули № IAP 06139-2020й.). Натижада чиқиндиларнинг камайиши ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш ҳамда маҳсулот сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши имкониятлари яратилган;

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг икки қатламли трикотаж олишнинг янги усули учун фойдали модельга патент олинган (Икки қатламли трикотаж FAP 01480-2020й.). Натижада икки қатламли трикотаж қатламларини ўзаро бирлаштириш қўшимча ип ёрдамида ластикли тўқишиш қатори орқали амалга оширилиши ҳисобига трикотажнинг шакл сақлаш хусусияти ортган;

Хом ашё сарфи кам бўлган икки қатламли трикотаж тўқималарини олишнинг янги самарали технологияси “Flatnit Textile” МЧЖ, “Sedat triko Tashkent” МЧЖ ҚҚ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотномаси № 04/18-1661 26.06.2020й.). Натижада маҳаллий корхоналарда импорт ўрнини босувчи, шунингдек, экспортга йўналтирилган, хомашё сарфи 10,7% га кам бўлган ва юқори сифат кўрсаткичларига эга устки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 24 та халқаро ва 22 та республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 66 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола шундан 6 таси хорижда нашр этилган, Ўзбекистон Республикасининг 4 та ихтирога ва 2 та фойдали моделга патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Трикотаж тўқималарини олишда сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хомашё сарфини камайтириш усулларига оид адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби адабиёт манбааларининг таҳлили ёритилган бўлиб, унда янги тузилишдаги икки қатламли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотажнинг сифат кўрсаткичларини ошириш масалаларига эътибор қаратилган. Умуман ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, трикотаж ишлаб чиқариш саноатида сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳамда хом ашё сарфини камайтириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга янги тузилишдаги икки қатламли ва икки қатламлиарқоқли трикотаж тўқималарига маҳаллий ва чет эл олимлари томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

Диссертациянинг “**Икки қатламли трикотаж тўқималарини олиш технологияси ва уларнинг технологик ва физик-механик хусусиятлари тадқиқи**” деб номланган иккинчи боби қатламлари янги усулда бириктирилган

икки қатламли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини ўзгариши тадқиқ этилган.

Тадқиқ этилаётган икки қатламли трикотаж тўқима вариантлари трикотаж қатламларини бириктириш усули билан бир-биридан фарқ қилади. Биринчи вариантда икки қатламли трикотаж тўқимасининг қатламлари ўзаро асос ипи ёрдамида пресси бириктирилган. Иккинчи вариантда икки қатламли трикотаж тўқимасининг қатламлари ўзаро қўшимча ип ёрдамида пресси бириктирилган. Учинчи вариантда икки қатламли трикотаж тўқимасининг қатламлари олд ва орқа игнадон игналарида ластикли трикотаж тўқима ҳалқа қаторини тўқиш йўли орқали амалга оширилган.



1-вариант

2-вариант

3-вариант

1-расм. Икки қатламли трикотажнинг тузилиши ва графикали ёзувлари

Трикотаж тўқимасининг ўнг ва тескари қатламлари чизиқий зичлиги 31текс x 2 бўлган полиакрилонитрил калава ипдан шакллантирилган глад тўқимасидан олинган. Бириктирувчи ип сифатида 18,8 тексли чизиқий зичликка эга бўлган текстурланган полиэфир+лайкра ипларидан фойдаланилган.


Тақдим этилган икки қатламли трикотаж тўқима вариантларининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари стандарт усул бўйича ТТЕСИ қошидаги “CentexUz” сифат лабораториясида аниқланди, олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-Жадвал

Икки қатламли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Вариантлар			
		I	II	III	ГОСТ
Ипларнинг тури ва чизиқли зичлиги, текс	Олд қатлам	ПАН31текс х2	ПАН31текс х2	ПАН31текс х2	
	Орқа қатлам	ПАН31текс х2	ПАН31текс х2	ПАН31текс х2	
	Бириктирувчи ип	-	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи18,8 текс	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи18,8 текс	
Трикотаж тўқима қатламларини бириктириш тури		Асос ипи ёрдамида прессли бириктириш	Қўшимча ип ёрдамида прессли бириктириш	Қўшимча ип ёрдамида ластик каторини тўқиш	ГОСТ 28554-90
Ҳалқа қадами, А (мм)		1,0	1,19	1,04	
Ҳалқа қатори баландлиги В(мм)		1,43/1,04	1,06/1,06	0,96/0,9	
Горизонтал бўйича зичлик, Р _Г (50 мм даги ҳалқалар сони)		50/50	42/42	48/48	
Вертикал бўйича зичлик, Р _В (50 мм даги ҳалқалар сони)		35/48	47/47	52/55	
Ҳалқа ипи узунлиги (мм)	Олд қатлам	4,4	7,6	4,8	
	Орқа қатлам	9,5	7,6	4,1	
Трикотажнинг юза зичлиги, Мs(г/м ²)		629,1	346,1	548,6	
Қалинлик, Т(мм)		2,2	1,3	2,15	
Ҳажмий зичлик, δ (мг/ см ³)		285,9	266,2	255,16	
Абсолют енгиллик, Δδ(мг/см ³)		-	19,7	30,74	
Нисбий енгиллик, θ (%)		-	6,9	10,7	

Икки қатламли трикотаж тўқималарининг ҳажмий зичлигини ўзаро таққослаш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, бунда III вариант икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлиги 548,6 г/м² ва қалинлиги 2,15 бўлганда, ҳажмий зичлиги 255,16 мг/ см³ ни ташкил этди. II вариант икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлиги 346,1 г/м² ва қалинлиги 1,3 мм бўлганда, ҳажмий зичлиги 266,2 мг/см³ ни ташкил этди, 629,1 г/м² юза зичликка ва 2,2 мм қалинликка эга бўлган I вариант икки қатламли трикотаж намунасининг ҳажмий зичлиги эса, 285,9 мг/см³ дан иборат бўлди. (2-расм).



2-расм. Икки қатламли трикотажнинг юза ва хажм зичлигини ўзгариши гистограммаси

1-жадвалда тақдим этилган технологик кўрсаткичлар бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, икки қатламли трикотаж тўқима намуналарини ҳажмий зичлик кўрсаткичи бўйича ўзаро қиёсий таққосланганда, икки қатламли трикотаж тўқимасининг III вариант намунаси энг кичик ҳажмий зичлик кўрсаткичига эга бўлди, бу ерда трикотаж қатламларини бириктириш олд ва орқа игнадон игналарида ластикли трикотаж ҳалқа қаторларини тўқиш йўли билан амалга оширилди.


Ишлаб чиқарилган тўқима намуналарининг физик-механик хусусиятлари аниқланди ва натижалар 2-жадвалда келтирилди.

Икки қатламли трикотаж тўқима намуналарининг ҳаво ўтказувчанлик кўрсаткичи трикотажнинг мустақил қатламларини бириктириш усулини ўзгариши ҳисобига 80,1 дан то 87,7 $cm^3/cm^2 \cdot sec$ гача ўзгарди, яъни ҳаво ўтказувчанлик 9% га ўзгарди (2-жадвал). Икки қатламли трикотаж тўқима вариантларини ўзаро таққослаб кўриш натижасида III вариант намунаси бошқа вариант намуналарига нисбатан энг кам ҳаво ўтказувчанлик кўрсаткичига эга бўлган намуна деб топилди ва 76,1 cm^3/cm^2 ни ташкил этди.

Ушбу икки қатламли трикотаж тўқимасининг қатламлари қўшимча ип ёрдамида пресси бириктирилган. Трикотажни ҳаво ўтказувчанлигини ўзгаришини қатламларни бириктириш усулига, тўқиманинг ғоваклигига, ғовак шакли ва улушига боғлиқлиги билан тушунилади.

Икки қатламли трикотаж тўқималарининг физик-механик кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар		Вариантлар			ГОСТ
		I	II	III	
Ипларнинг тури ва чизиқли зичлиги, текс	Олд қатлам	ПАН 31 текс х2	ПАН 31 текс х2	ПАН 31 текс х2	
	Орқа қатлам	ПАН 31 текс х2	ПАН 31 текс х2	ПАН 31 текс х2	
	Бириктирувчи ип	–	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи 18,8 текс	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи 18,8 текс	
Трикотаж тўқима қатламларини бириктириш тури		Асос ипи ёрдамида прессли бириктириш	Қўшимча ип ёрдамида прессли бириктириш	Қўшимча ип ёрдамида ластик каторини тўқиш	
Ҳаво ўтказувчанлик В, см ³ /см ² ·сек		87,7	80,1	71,6	ГОСТ 12088-77 30-100
Ишқаланишга чидамлик И, минг айлана		43,8	41,6	44,5	ГОСТ 16486-93 30-60
Узилиш кучи, Р, Н	Бўйламасига	314,7	448,5	558,5	ГОСТ 8847-90 камида 80Н
	Энига	333,3	408	528,5	
Узилишдаги узайиш, L, %	Бўйламасига	112	131,2	109,5	ГОСТ 8847-85 6 Н да 100% дан юқори 3 гуруҳ
	Энига	102,3	148	123	
Қайтмас деформация, ε _к , %	Бўйламасига	28	20	10	ГОСТ 28882-90 15-20% гача
	Энига	12	28	14	
Қайтар деформация, ε, %	Бўйламасига	72	80	90	
	Энига	88	72	86	
Киришиш, К, %	Бўйламасига	7	6	5	ГОСТ 26667-85 Кўпи б-н 5-8%
	Энига	3	5	4	



2-расм. Икки қатламли трикотаж тўқималарининг хаво ўтказувчанлигини ўзгариши

Икки қатламли трикотаж тўқимасининг ушбу вариантлари орасида III–вариант намунасиэнг юқори ишқаланишга чидамлилик кўрсаткичига эга бўлди ва 44,5 минг айлана даврдан иборат бўлди. Бу икки қатламли трикотаж тўқима намунасининг мустақил қатламлари кўшимча ип ёрдамида ластикли тўқилган.


Икки қатламли трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини объектив баҳолашда комплекс баҳолаш усулидан фойдаланилди.



3-расм. Икки қатламли трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси

Тадқиқ этилаётган трикотажд тўқима ассортименти учун тўқималарнинг хусусияти ва тузилишини шакллантирувчи бир қанча омилларни таҳлил қилиш керак. Хом ашё сарфини тавсифловчи трикотаж тўқимасининг энгиллиги, трикотаж тўқимасининг ҳаво ўтказувчанлик, узилиш кучи ва узилишдаги узайиш, қайтар деформация ва киришиш кўрсаткичлари шулар жумласидандир.

Тадқиқи этилаётган икки қатламли трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси 3-расмда, сифат кўрсаткичларини қиёсий таққослаш гистограммаси 4-расмда келтирилган.




4-расм. Икки қатламли трикотаж тўқимасининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш қиёсий гистограммаси

Икки қатламли трикотаж тўқимасининг сифат кўрсаткичларини баҳолашнинг комплекс ва қиёсий гистограммасини ўзаро таққослаш натижасида маълум бўлдики, бунда ишлаб чиқарилган икки қатламли трикотаж тўқимасининг III вариант намунаси хом ашё сарфи кам бўлган энг юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлди. Бу икки қатламли трикотаж тўқима намунасининг муस्ताқил қатламлари кўшимча ип ёрдамида ластикли бириктирилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Трикотаж машинасининг ип бериш тизимида оралиқ тўплагичли ип берувчи мосламани такомиллаштириш**» масалалари ёритиб берилган.

Трикотаж машиналарида ип берувчи мосламаси асосий элементлардан бири бўлиб, асосан унинг конструкциялари барабан кўринишидаги ип йиғувчигага. Трикотаж машинасида ип бериш жараёнида ипларнинг узилишини бартараф этиш учун ип ва барабан орасидаги ишқаланишни ошириш йўли билан трикотаж машинаси оралиқ тўплагичли ип берувчи мосламанинг такомиллаштирилган. Трикотаж машинасида оралиқ ип йиғувчи мослама тепа кўзча, йўналтирувчи найча, тарелкасимон ип таранглагич, иккита ип йўналтирувчи тешикчали мосламага эга бўлиб, бу тешикчаларнинг орасида

автоматик тўхтатиш дастаги, ип йиғувчи барабан, югурдак ва кронштейнда ўрнатилган пастки тешикчалардан иборат.



5-расм. Ип берувчи мосламанинг умумий шакли (а), ип йиғувчи мослама (б) ва унинг А-А қирқими (в)

Оралик ип йиғувчи мослама қия йўналишли тирқишларга эга кесик конус шаклилли пластик материалдан тайёрланган. Бу тирқишлар бурчак остида шундай жойлашганки, цилиндрнинг айланишида ипларнинг ўрама барабаннинг юзасида ушлаб турилади, натижада ип йиғувчи мосламанинг қия тирқишларга эга бўлган ишчи юзаси ҳам ип ўрамларини етарлича ушлаб туришга имкон беради ва бунда ипларнинг ўз вазни бўйича чувалиб кетишининг олди олинади. Конструкция тўплагич барабан ва ип орасидаги ишқаланишни оширишга имкон беради, бу чувалашишни бартараф этиб, ипнинг таранглигини меъёрлайди ва шу орқали ип тўплагичнинг ишончли ишлашини оширади (5-расм).


Конструкция қуйидаги тарзда ишлайди: ғалтақдан (расмда кўрсатилмаган) келувчи ип 1 тепа тешикча 2, ип йўналтирувчи найча 3 орқали, зарурий таранглик берувчи тарелкасимон ип таранглаштиргич 4 га томон, у ердан ип йўналтирувчи тешикчалар 5 ва 7 орқали автоматик тўхтатиш дастаги 6 томон ҳаракатланади. Автоматик тўхтатиш қурилмаси ип узилганда машинани автоматик тўхтатиш имконига эга. Кейин ип 1, ип берувчи мослама

8 га тушиб, маълум заҳирага эга бўлади. Бунда ип берувчи мослама 8 нинг ишчи юзаси кесилган конус шаклига эга эканлиги ҳисобига ип 1 нинг етарли даражада ушлаб турилиши содир бўлади. Қия тирқишлар

11 ҳам юзага келадиган тепага йўналтирилган куч ташкил қилувчилар ҳисобига ип 1 ни ип берувчи мослама 8 нинг ишчи юзасида ушлаб туришга имкон беради.

Конструкция ип 1 таранглигини меъёрлашга, узилувчанлигини пасайтиришга, шунингдек, ип берувчи мослама 8 дан муддатидан олдин

тортилиб чиқишини баргараф қилишга имкон бериб, ип берувчи мослама ишининг ишончлилигини ортишига эришилади.



1,2–оралиқда $C = 2,5 \text{ сН/мм}$; 3,4-оралиқда $C = 1,5 \text{ сН/мм}$;
1,3- оралиқда $Q_{\text{вых}} = f(Q_{\text{вх}})$; 2,4-оралиқда $T_{\text{вых}} = f(T_{\text{вх}})$.

6-расм. Ипнинг кириш ва чиқиш таранглиги ўзгаришининг ўртача қийматига боғлиқлик графиги

Тавсия этилган ип узатгич, трикотажд машинасида мавжуд ип узатгич билан таққосланганда самарали эканлиги аниқланди. Олинган ифодаларга мувофиқ таққосланаётган вариантлар учун ипларнинг чиқиш таранглигини ҳисоблаш учун $Q_{\text{ВЫХ}}$ ва $T_{\text{ВЫХ}}$ ўзгаришининг график боғлиқликлари қурилган (6-расм).

Графикларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тарелкасимон созлагич пружинасининг қаттиқлик коэффиценти $1,5 \text{ сН/мм}$ бўлганда, ип кириш таранглигининг ортиши билан мавжуд ип узатиш мосламасида ипнинг чиқиш таранглиги $20,5 \text{ сН}$ га етади, $C = 2,5 \text{ сН/мм}$ да эса $30,2 \text{ сН}$ гача етади. Тавсия қилинаётган ип узатгич мослама учун бу қийматлар тегишлича $6,7 \text{ сН}$ ва $12,5 \text{ сН}$ ни ташкил қилади. Тавсия қилинаётган ип берувчи, мавжуд ип бериш мосламаси билан таққосланганда, ипнинг таранглигини $2,0-2,5$ марта пасайтиришга имкон беради.

Назарий тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, мавжуд ва тавсия қилинаётган ип бериш мосламасида ип беришнинг барча босқичларида ипнинг таранглигини ҳисоблашнинг математик моделлари олинди.

Вазифанинг сонли ечими асосида ип таранглигининг устки тешикча эгри юзасининг ип билан қамраб олиниш бурчагининг ўзгаришига боғлиқ графиклар қурилди. Ипнинг чиқиш таранглиги кўпи билан $(12-15) \text{ сН}$ бўлишини таъминлаш учун $\beta \geq (55^\circ \div 62^\circ)$ ва $T_{\text{ВХ}} \leq (5,0 \div 7,0) \text{ сН}$ тавсиявий қийматлар ҳисобланади. Ип чиқиш таранглигининг ип узатиш мосламаси йўналтирувчи трубкасининг эгри чизикли қисмининг ип билан қамраб олиниши бурчагининг вариациясига боғлиқ ҳолда ўзгариши графиклари қурилди. Ип узатиш


мосламаси трубкасининг эгри чизиқли қисми бурчагининг тавсия қилинадиган қийматлари (30^0-32^0) чегарада танланиши керак.

Ипнинг ўтказиш труба сининг юзаси ишқаланиши кучининг ипнинг чиқиш таранглигига таъсири ўрганилди. Ипнинг ўтказиш труба сининг юзасига ишқаланиши кучининг ортиши ипнинг чиқиш таранглигининг чизиқсиз қонуният билан ортишига олиб келади.

Ип таранглигининг тарелкасимон пружинали соzлагичнинг каттиқлик коэффициентининг ўзгаришига боғлиқ графиклар қурилди. Ип узатиш мосламасидан чиқишда ип таранглигининг кўпи билан (10-12) сН гача бўлишига эришиш учун тарелкасимон соzлагич пружинасининг каттиқлик коэффициенти $C \leq (1,3 - 2,2) \text{ сН/мм}$ чегарада танланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Трикотаж ускунасининг таққосланаётган ип ўтказиш мосламалари шакллари учун чиқиш таранглигининг ипларнинг кириш таранглигига боғлиқ ҳолда ўзгаришининг солиштирма график боғлиқликлари олинди. Аниқландики, ип бериш мосламасининг тавсия қилинаётган конструкцияси, мавжуд ип бериш мосламаси билан таққосланганда, ипнинг таранглигини 2,0-2,5 марта пасайтиришга имкон беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Икки қатламли арқоқли трикотаж тўқималарини олиш технологияси**” га бағишланган бўлиб, унда икки қатламли арқоқли трикотаж тўқималарини олиш усуллари ва тўқималарнинг янги тузилишлари келтирилган.



7-расм. Икки қатламли арқоқли трикотажнинг тузилиши ва графикли езувлари

Икки қатламли ва икки қатламли арқоқли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари стандарт услуги бўйича аниқланиб, олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

Икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлиги, $548,6\text{г/м}^2$ ни ташкил этиб, бу арқоқли икки қатламли трикотаж тўқимасининг юза зичлигидан катта, яъни икки қатламли арқоқли трикотаж тўқимасига нисбатан 3, 8 % га кўпдир. Трикотаж тўқима тузилишида арқоқ ипи мавжудлиги трикотаж тўқимасининг қалинлигини оширада, бу ўз навбатида икки қатламли арқоқли трикотаж

тўқимасининг ҳажмий зичлиги камайишига олиб келиши табиий. Икки қатламли арқоқли трикотажд тўқимасининг ҳажмий зичлиги икки қатламли трикотаж тўқимасининг ҳажмий зичлигига нисбатан 11%га кам бўлиб, 227 мг/см³ни ташкил этади. Трикотаж тўқима таркибига арқоқ ипи киритиш хисобига трикотажнинг ҳажм зичлигини камайтиришга эришиш мумкин.

3 жадвал

Икки қатламли арқоқли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		I вариант	II вариант	ГОСТ
Ипларнинг тури ва чизиқли зичлиги, текс	Олд қатлам	ПАН 31 текс х 2	ПАН 31 текс х 2	
	Орқа қатлам	ПАН 31 текс х 2	ПАН 31 текс х 2	
	Бириктирувчи ипи	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи 18,8 текс	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи 18,8 текс	
	Арқоқ ипи	ПАН 31 текс х 2	ПАН 31 текс х 2	
Ҳалқа қадами, А (мм)		1,04	1,66	ГОСТ 28554-90
Ҳалқа қатори баландлиги В(мм)		0,96/0,9	1,25/1,42	
Горизонтал бўйича зичлик, P _г (50мм га ҳалқалар сони)		48/48	30/30	
Вертикал бўйича зичлик, P _в (50мм га ҳалқалар сони)		52/52	40/35	
Ҳалқа ипи узунлиги (мм)	Олд қатлам	4,8	4,5	
	Орқа қатлам	4,1	4,9	
Трикотажнинг юза зичлиги, Ms(г/м ²)		548,6	527,3	
Қалинлик, Т(мм)		2,15	2,32	
Ҳажмий зичлик, δ (мг/ см ³)		255,16	227,3	

Трикотаж тўқима тузилишининг ўзгариши икки қатламли арқоқли трикотаж тўқимасининг физик-механик хусусиятлари ўзгаришига олиб келади.

Ишлаб чиқарилган икки қатламли арқоқли трикотаж тўқима намуналарининг физик-механик хусусиятлари стандарт услуби бўйича аниқланиб, олинган натижалар 4-жадвалда келтирилди.


Икки қатламли арқоқли трикотаж тўқималарининг физик-механик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		I вариант	II вариант	ГОСТ
Ипларнинг тури ва чизиқли зичлиги, текс	Олд қатлам	ПАН 31 текс х 2	ПАН 31 текс х 2	
	Орқа қатлам	ПАН 31 текс х 2	ПАН 31 текс х 2	
	Бириктирувчи ип	Текстурланган полиэфир+лайкра а ипи 18,8 текс	Текстурланган полиэфир+лайкра ипи 18,8 текс	
	Арқоқ ипи	ПАН 31 текс х 2	ПАН 31 текс х 2	
Ҳаво ўтказувчанлик В, см ³ /см ² ·сек		71,6	35,53	ГОСТ 12088-77 30-100
Ишқаланишга чидамлилиқ И, минг айлана		44,5	53,8	ГОСТ 16486-93 30-60
Узилиш кучи, Р, Н	Бўйига	558,5	586,75	ГОСТ 8847-90 Камида 80 Н
	Энига	528,5	595,5	
Узилишдаги узайиш, L,%	Бўйига	109,5	45	ГОСТ 8847-85 6 Н да 40-100% гача 2 гуруҳ
	Энига	123	13,6	
Қайтмас деформация, ε _к , %	Бўйига	10	8	ГОСТ 28882-9015-20% гача
	Энига	14	6	
Қайтар деформация, ε, %	Бўйига	90	92	
	Энига	86	94	
Киришиш, К, %	Бўйига	5	3,5	ГОСТ 26667-85 Кўпи б-н 5-8%
	Энига	4	-1	

II-вариантдаги икки қатламли арқоқли трикотаж тўқимасининг ҳаво ўтказувчанлик кўрсаткичи I вариант икки қатламли трикотаж тўқимасининг ҳаво ўтказувчанлик кўрсаткичига нисбатан кам ва 35,53 см³/(см²·сек) ни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики икки қатламли трикотаж тўқимаси таркибига арқоқ ипини киритилиши ҳисобига тўқиманинг бўйи

бўйича мустахкамлик кўрсаткичи 5% га, эни бўйича мустахкамлик кўрсаткичи эса 12,7 % га ортди (8-расм).



8-расм. Икки қатламли арқоқли трикотажд тўқималарининг узилиш кучи ўзгариши гистограммаси

Икки қатламли арқоқли трикотажд тўқима намуналарининг узилиш кучи кўрсаткичлари барча вариантларда юқори кўрсаткичларга эга ва устки трикотажд маҳсулотларига қўйилган талабларга жавоб беради.

Таклиф этилган технологияда қатламлари қўшимча ип ёрдамида ластик қаторли кўринишида тўқиб олинган икки қатламли трикотажд тўқимасининг иқтисодий самарадорлиги 1 тонна хом ашёдан 5,3 млн. сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

“Трикотажд тўқималарининг янги тузилишларини олиш ҳисобига унинг сифатини яхшилаш ва хомашё сарфини камайтириш” мавзусида олиб борилган илмий тадқиқот иши якунида қуйидагича хулосалар келтирилди:

1. Трикотажд саноатида трикотажд тўқима тузилишини ўзгартириш ҳисобига хомашёдан самарали фойдаланиш, сифат кўрсаткичларини оширишга бағишланган тадқиқот ишлари таҳлил қилинди.

2. Юқори сифат кўрсаткичларига эга икки қатламли трикотажд тўқималарининг янги тузилишлари ва самарали олиш усуллари яратилди.

3. Икки қатламли трикотажда қатламларни бириктириш усулини уни технологик кўрсаткичлар ва физик-механик хусусиятларга таъсир аниқланди;

4. Икки қатламли трикотажд қатламларини ўзаро қўшимча ип ёрдамида ластик қатори орқали бирлаштириш усули ишлаб чиқилди, бунда икки қатламли трикотажднинг сифат кўрсаткичлари ошиб, хомашё сарфи эса 4,14-10,7% га камайди.

5. Трикотаж машинасини игнадонига бир меъёрада ип беришни таъминлаш мақсадида оралиқ тўплагичли ип берувчи мослама такомиллаштирилган натижада ип таранлигининг камайишига олиб келди.

6. Мавжуд ва тавсия этилган мосламаларда ип бериш жараёнини барча босқичларида ип таранлиги ўзгаришининг математик модели ишлаб чиқилган, унинг қонуниятларини ечимлари олинган.

7. Таклиф этилган технологияда қатламлари қўшимча ип ёрдамида ластик қаторли кўринишида тўқиб олинган икки қатламли трикотаж тўқимасининг иқтисодий самарадорлиги 1 тонна хомашёдан 5,3 млн. сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

МУСАЕВА МУХАЙЁ МИРХОТАМОВНА

**УЛУЧШЕНИЕ КАЧЕСТВА ТРИКОТАЖА И УМЕНЬШЕНИЕ
РАСХОДА СЫРЬЯ ЗА СЧЕТ ПОЛУЧЕНИЯ НОВЫХ СТРУКТУР
ТРИКОТАЖНЫХ ПЕРЕПЛЕТЕНИЙ**

**05.06.02– Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент -2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/T474.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.titli.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: Мукимов Мирабзал Миранобович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

Петросова Лариса Ивановна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится 12 декабря 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 88). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «30» 11 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 88 от «28» 11 2020 года.)



Б.О.Онорбоев
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

А.Э.Гуламов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

Ш.Ш.Хакимов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире текстильная и швейно-трикотажная промышленности входят в состав ведущих отраслей, на их долю приходится 5,7% мирового промышленного производства. За последние 15 лет потребление текстильной продукции выросло в странах ЕС на 90,5%, в США – на 99,3%, в Японии – на 220%.¹ Центр производства сместился из стран Западной Европы и США в страны с меньшей стоимостью рабочей силы: Юго-Восточную и Центральную Азию, Южную Америку.¹

Ожидается, что к 2025 году на мировом текстильном рынке вырастет около 1, 207 млрд. долл. США, при среднегодовом темпе роста примерно 5% в период между 2019 и 2025 годами. Ведутся научно-исследовательские работы по созданию инновационных технологий для текстильной промышленности, предусматривающих эффективное использование современных достижений науки и техники, совершенствование существующих. В настоящее время конкурентоспособность трикотажных изделий обеспечивается быстрым изменением ассортимента изделий и невысокой стоимостью, а также путем производства трикотажных полотен с заданным составом и особыми свойствами. Одна из важных задач – определение и научное обоснование закономерностей влияния структуры, состава, процесса производства трикотажных полотен на качество продукции.

В годы независимости Республики уделяется особое внимание завоеванию достойного места среди производителей текстиля на мировом рынке. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит две задачи, в том числе «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... сокращение потребления энергии и ресурсов в экономике, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производство»². В этой сфере достигнуты заметные результаты по освоению производства трикотажных изделий высокотехнологичными способами, в т.ч. ассортимент трикотажных изделий обогащен новыми видами трикотажных переплетений с улучшенными потребительскими свойствами, вырабатываемыми на плоско- и кругловязальных трикотажных машинах.

В республике осуществляется системная работа по дальнейшему углублению структурных преобразований в текстильной и швейно-трикотажной промышленности, направленных на обеспечение высоких и устойчивых темпов роста, привлечение и освоение прямых иностранных инвестиций, производство и экспорт конкурентоспособной продукции, создание новых высокотехнологичных рабочих мест за счет реализации² При этом несмотря на очевидный прогресс в развитии текстильной отрасли, ее вклад в экономический рост страны пока еще значительно ниже имеющегося

¹<https://www.zionmarketresearch.com/sample/textile-market>

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 07.02.2017 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

потенциала. Для достижения вышеуказанных целей вопросы эффективного использования сырья, разработка новых способов получения трикотажных полотен с улучшенными качественными характеристиками для производства импортозамещающих, а также экспортоориентированных конкурентоспособных трикотажных изделий являются одними из актуальнейших. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по ускоренному развитию текстильной и швейно-трикотажной промышленности» от 14 декабря 2017 года № УП-5285 и Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции» от 16 сентября 2019 года № ПП-4453, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению: П.«Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросы совершенствования технологии производства трикотажных изделий, исследования трикотажных полотен, а также снижения расхода сырья рассмотрены в научно-исследовательских работах ряда зарубежных ученых таких, как проф. А.С. Далидович, Э. Поспелов, И. Шалов, Л.А. Кудрявин, Н.А. Гречухина, Л.В. Шкунова, В. Лазаренко, В.А. Зиновьева, Л. Ровинская, И.Г. Цитович, В.А. Заваруев, А. Труевцев, V. Kumar, V.R. Sampath, N.Emirhanova, Y.Kavusturan, E.Onofrei, S.A.Frydrych и других.

В нашей стране ряд ученых, в том числе М.М. Мукимов, проф. Х.А. Алимова, Н.Р. Ханхаджаева, Ф.У. Нигматова, С.Ш. Ташпулатов, К. Холиков, Б.Ф. Мирусманов, А. Исабаев, Ш. Мухамеджанов, К.З. Юнусов, Ш.К. Усмонкулов, проводили научные исследования, посвященные расширению ассортимента трикотажных изделий, исследованию технологических параметров и физико-механических свойств.

Анализ научно-исследовательских работ, посвященных ресурсосберегающим способам производства трикотажных полотен с улучшенными качественными характеристиками показывает, что разработка эффективных способов повышения качества трикотажа и уменьшения расхода сырья при его выработке является актуальной задачей, имеющей научно-практическое значение.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского института текстильной и легкой промышленности и отражено в следующих проектах: № И-2015-2-19 «Внедрение ресурсосберегающей технологии получения формоустойчивого

трикотажа с применением высокоусадочной нити лайкра» и № БА-3-18 «Внедрение ресурсосберегающей технологии получения двухслойного трикотажа с высокой формоустойчивостью и улучшенными гигиеническими свойствами».

Цель исследования заключается в улучшении качества и уменьшении расхода сырья трикотажа за счет разработки способов выработки новых структур двухслойного переплетения.

Задачи исследования:

анализ результатов исследований, направленных на повышение качества трикотажа путем изменения его структуры и эффективного использования сырья в трикотажном производстве;

исследование влияния способа соединения слоёв двухслойного трикотажа на его технологические параметры и физико-механические свойства;

улучшение качественных характеристик трикотажа двухслойного переплетения за счет разработки нового эффективного способа его получения;

совершенствование нитеподающего устройства с промежуточным нитенакопителем для повышения равномерности подачи нити к игольнице машины.

Объектом исследования улучшение качественных характеристик трикотажа двухслойного переплетения за счет разработки нового эффективного способа его получения, полиакрилонитриловая пряжа (ПАН), нитеподающее устройство с промежуточным нитенакопителем, плоско и кругловязальные машины.

Предмет исследования способ получения новых видов двухслойного и двухслойного уточного трикотажа с высокими потребительскими свойствами.

Методы исследований. В процессе исследований использованы методы технологии трикотажа, текстильного материаловедения, теоретической механики и прикладной математики, компьютерное программное обеспечение.

Научная новизна диссертационного исследования заключается в следующем:

разработаны новые структуры и эффективные способы получения трикотажа двухслойного переплетений с высокими качественными характеристиками;

установлены закономерности влияния способа соединения слоёв двухслойного трикотажа на его технологических параметры и физико-механические свойства;

с целью обеспечения равномерности подачи нити к игольнице машины усовершенствовано нитеподающее устройство с промежуточным нитенакопителем;

получена математическая модель изменения натяжений нити на всех этапах подачи в существующем и рекомендуемом нитеподающем устройстве, получены решения ее зависимостей.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

разработаны эффективные способы получения новых структур двухслойного трикотажа с различными способами соединения слоев;

установлены закономерности влияния способа соединения слоёв на характеристики качества трикотажа;

усовершенствовано нитеподающее устройство с промежуточным нитенакопителем;

Достоверность полученных результатов. Достоверность результатов исследования подтверждается согласованностью сформулированных в диссертации научных положений, принципов, выводов и рекомендаций, результатов теоретических и экспериментальных исследований, положительными результатами апробации и внедрения, а также сравнением результатов, их адекватностью по известным критериям оценки, сравнительным анализом положительных результатов исследований и данных рассматриваемой предметной области.

Научная и практическая значимость результатов исследования. Научная значимость результатов работы заключается в том, что установлены зависимости технологических параметров и физико-механических свойств трикотажа от способа соединения слоёв двухслойного и двухслойного уточного трикотажа, а также разработаны характеристики повышения эффективности нитеподавателя с промежуточным накопителем.

Практическая значимость проведенного исследования состоит в том, что рекомендованы новые структуры и способы получения двухслойного и двухслойного уточного трикотажа с высокими качественными характеристиками; разработаны способы снижения материалоемкости при выработке верхних трикотажных изделий; усовершенствована технология и схема нитеподающего устройства с промежуточным накопителем в трикотажной машине.

Внедрение результатов исследования. На основе результатов научных исследований, направленных на разработку нового эффективного способа получения двухслойного и двухслойного уточного трикотажа:

получен патент Агентства Интеллектуальной собственности Республики Узбекистана изобретение способа получения уточного трикотажа (Способ выработки формоустойчивого трикотажа уточного переплетения № IAP 06000-2019г.). В результате данное переплетение улучшает качество трикотажа и повышает производительность машины;

получен патент Агентства Интеллектуальной собственности Республики Узбекистан на изобретение способа получения футеровано-уточного трикотажа (Способ выработки формоустойчивого футеровано-уточного трикотажа № IAP 06002-2019г.). В результате повышается формоустойчивость и теплозащитные свойства трикотажа;

получен патент Агентства Интеллектуальной собственности Республики Узбекистана изобретение способа выработки штучного трикотажа на плоскофанговой машине (Способ выработки штучного трикотажа плюшевым переплетением на плоскофанговой машине № IAP 06139-2020г.). В результате

повышается эффективность производства за счет уменьшения отходов и повышается качество изделий.

получен патент на на полезную модель Агентства Интеллектуальной собственности Республики Узбекиста на новый способ выработки двухслойного трикотажа (Двухслойный трикотаж FAP 01480-2020г.).

В результате соединения слоев дополнительной нитью путем провязывания из нее петельного ряда ластичного переплетения повышается формоустойчивость двухслойного трикотажа.

